

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 13 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (11.342)


Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

- **РЕСПУБЛИКА** Шошилч тез тиббий ёрдам илмий марказига замонавий тиббий технологиялар ва жихозлар келтирилди.
- **2-ТОШКЕНТ** юридик коллежида Чилонзор туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланди.
- **КЕЧА** шаҳримизда Республика Факултода вазиятлар вазирлигининг ташаббуси билан соҳа ходимлари иштирокида факултода вазиятларни тезкорлик билан аниқлаш ва олдини олишнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** «Машхура» ўқув марказида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинарда ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда ўқув марказларининг аҳамияти борасида сўз борди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар чакирув-йиғув пунктида мудатли ҳарбий хизматга Тошкент шаҳридан отланган аскар йиғитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Куролли Кучлари музейида IX умумармия бадий ижодиёти кўргазмаси бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида талабалар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида ўтказилган тадбир «Алишер Навоий ижодиётининг жаҳоншумул аҳамияти» деб номланди.
- **РЕСПУБЛИКА** Болалар бадий ижодиёти марказида «Болалар мероси — воришлар нигоҳида» мавзуда ёш иходкорлар томонидан тайёрланган тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси санъат ихломандлари эътиборига ҳавола этилди.
- **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида «Калбимда Ватан мадҳи» кўрик-танлови шаҳар босқичи голиби Жанна Ким иштирокида Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан уюштирилган адабий-музика кеча «Тошкентим — фахрим менинг» деб номланди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман молия бўлими, туман ободонлаштириш бўлими вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда «Машинасозлар» маҳалласи ва бошқа маҳаллаларда тобора яқинлашиб келаётган яшариш айёми Наврўзга тайёргарликни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан).



Танишинг: янги қўшма корхона ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ОФСЕТ ПЛАСТИНАЛАРИ импорт ўрнини босади

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ТУФАЙЛИ ҲАМ ЧЕТ ЭЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ОРТИБ, УЛАРДА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КўПАЙИБ БОРМОҚДА.

Кеча пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яна бир янги қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу Марказий Осиёда биринчи марта офсет пластиналарини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи «SHOWPRINT» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси бўлиб, мазкур корхонанинг таъсисчиси Жанубий Кореянинг «SHOWBOX» Co.LTD компаниясидир.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов йирилганларни амалга оширилган лойиҳа билан таништириб, корхона аҳлига муваффақият тилади. «SHOWBOX» Co.LTD компанияси президенти Панг Сонг Кук, аввало мазкур лойиҳани амалга оширишда уларни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига ўз миннатдорчилигини билдирди. Шунингдек, мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик лойиҳани амалга оширишда муҳим роль ўйнаганини таъкидлаб ўтди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимиздаги мавжуд наشريётлар, тахририят ва матбаа корхоналарининг маблағларини тежаш мақсадини кўзда тутиган ҳолда қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган ва қайта ишланадиган офсет пластиналари импорт ўрнини босади, сифати ва арзон нархи билан бурютмачи талаб ҳамда эҳтиёжини қондиради.


Бугунги кунда агентлик то-

монидан юртимизда 1300 тадан зиёд матбаа корхоналари, 700 номда газета ва 20 та журналлар рўйхатга олинган. Уларнинг улқисиз иш фаолиятини таъминлаш учун хорижий давлатлардан 2 миллион дона тур-

мида 20 киши иш билан таъминланган, — дейди қўшма корхона директори Шавкат Иноятов. — Цехларимизга ўрнатилган ишлаб чиқариш технология линиялари Кореянинг 3 та компанияси ҳамкорлигида тайёрланган

да 90 фоиз талабни қондиради. Шунингдек, ташқи бозорга чиқишни ҳам кўзда тутганмиз. Жорий йилда 15 минг квадрат метр, 2010 йилда эса 40 минг квадрат метр, яъни 300 минг АҚШ долларлик маҳсулотимизни экспорт қилиш ниятидамыз.

Шу ўринда айтиш лозимки, маҳаллийлаштириш дастурига ҳисса қўшиш мақсадида айни пайтда қўшма корхона республика санъат ярмаркаси ва кооперацион биржаси доирасида 2009 йилда мамлакатимиз наشريёт-матбаа корхоналарига 720 миллион сўмлик офсет пластиналари етказиб бериш учун шартномалар тузган. Шунингдек, корхона маҳсулотларини Россия, Қозоғистон, Эрон, Туркменистон ва бошқа давлатларга экспорт қилиш мақсадида музокаралар олиб боришда. Энг муҳими эса ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ҳам ички, ҳам ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулот билан таъминлашда, республикамиз иқтисодиёти ривожига катта аҳамиятга эгадир.



Корхонанинг очилишига бағишланган тадбирда Россия ва Қозоғистон давлатларидан ҳам меҳмонлар иштирок этишиб, ишлаб чиқариш жараёни билан батафсил танишишди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг очилиш маросими ва ишлаб чиқариш цехи фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 12 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВАТДАГИ МАЖЛИСИ БўЛИБ ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Утган йилда парламент Омбудсмени фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини рўйбга чиқаришда, ушбу соҳадаги миллий қонун ҳужжатлари умум томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ тақомиллаштирилишида фаол иштирок этди, фуқароларнинг озаки ва ёзма muroжаатла-

рини мунтазам равишда ўрганди ва таҳлил қилди, мониторинг тадқиқотлари, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»-ги Фармонининг қабул қилинганлиги 2008 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга улкан аҳамият қаратиб кела-

ётганлиги депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди. Бизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Мустақил йилларида давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилди, ушбу соҳада БМТ томонидан қабул қилинган олтинчи асосий халқаро ҳужжат иштирокчисига айланди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 12 ФЕВРАЛЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК БўЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН ҚўШМА КОМИССИЯСИНING НАВАТДАГИ МАЖЛИСИ БўЛИБ ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҚўШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, банк-молия, таълим, кишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, қўшма комиссия хамраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил октябр ойида Туркменистонга, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йил март

ойида Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзaro муносабатларни янги босқичга кўтариш учун кенг имкониятлар яратди.

Туркменистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири, қўшма комиссия хамраиси Нокергули Атагулиев Туркменистон Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорлигини изчил ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Икки томонлама алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда Дўстлик, ишончли мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Қўшма комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келаётгани ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СўНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамда Россиянинг «Ростелеком» очик акциядорлик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Учрашув доирасида телекоммуникациянинг янги хизматларини жорий этиш, алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.
- Кеча Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан эълон қилинган таълим соҳаси ходимларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган педагогик грантлар Дастури голибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.
- Самарқандда Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Қашқадарё вилоятида яқинлашиб келаётган Наврўз байрамига бағишланган ҳашар ўтказилди. Унда 800 мингдан ортиқ қашқадарёликлар иштирок этди. Ҳашардан тушган маблағ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш, кам таъминланганларга кўмаклашиш, байрам тадбирларини уюштириш ҳамда «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» минтақавий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда сарфланади.
- Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда «Истикболли авлод» ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида Термиз ахборот технологиялари ва маънавий хизмат касб-ҳунара коллежида «Нолегал миграция ва унинг оқибатлари» мавзуда семинар ташкил этилди.
- Бухоро вилоятидаги Наршахий номидаги болалар кутубхона марказида россиялик ноширларнинг 200 дан ортиқ янги китобларини интибор кўргазма бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ҳар иккала мамлакат элчионаларининг қўллаб-қувватлаши остида Россия китоб ноширлари ассоциацияси ҳамда вилоят болалар кутубхона маркази томонидан уюштирилди. Кўргазма аяқунланганидан сўнг унда намойиш этилган барча китоблар Наршахий номидаги кутубхона марказига тўхфа этилди.
- Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳузурдаги тез тиббий ёрдам станцияси автосаройига Жанубий Корея мамлакатидан ишлаб чиқарилган «Хундай» русумли тез ёрдам автомашиналари келтирилди. Энди Қўқондаги 64 та маҳалла аҳлига бешта замонавий «Хундай» реомобил тезкор хизмат кўрсатади.
- Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Жиззах вилояти кишлоқларидан барча туғруқ мажмуалари «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Осиё Тараққиёт банки кредити эвазига замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган бўлди.

ЖАҲОНДА

- Италия Мудофаа вазири И.Руссонинг таъкидлашича, Италиянинг Афғонистондаги ҳарбий контингентининг сони оширилмайди.
- Фаластининг ХАМАС ва ФАТХ ҳаракатлари вакиллари Мисрнинг Қоҳира шаҳрида ўзаро мулоқотларни қайтадан тиклаш юзасида ярашув музокараларини ўтказишди.
- 2003 йилда Садам Ҳусайн ҳокимияти тугатилганидан сўнг фаолияти тўхтатиб қўйилган Бағдод миллий музейи жорий йил февраль ойининг охиридан яна фаолият кўрсата бошлади. Музейни қайта таъмирлаш ишларига 13 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.
- Кеча Москва шаҳри марказидаги кафедралар бирида рўй берган отишма чоғида икки киши ҳаётдан кўз юмди.
- Бугун Италиянинг Венеция шаҳрида анъанавий ниқоблар карнавали бошланди. Ушбу қизиқарли тадбир ўн кун давомида ўтказилади ва шу муносабат билан шаҳарга қўллаб-қувватлаш хорижий сайёҳларнинг келиши кутулмоқда.
- Кеча узок вақт Сомали қароқчилари томонидан гаровда ушлаб турилган ва яқинда катта тўлов эвазига озод қилинган Украинанинг «Фаина» кемаси ўзи йўлга чиққан манзил — Кениянинг Момбаса портига етиб келди.
- Аллақачонлар ўз фаолиятини тугатган «Bugatti» автомобилсозлик компанияси томонидан 1937 йилда ишлаб чиқарилган спорт машинаси Париждаги «Bonhams» аукционидан 3,4 миллион еврога сотилган. Гап шундаки, «Bugatti»нинг ушбу русуми ўз даврининг энг яхши машинаси ҳисобланган ва ўша даврдаги рекорд натижага эришган — тезлики соатига 209 километрге етказа олган.
- Мисрда парранда гриппи билан зарарланганлар сони 55 нафарга етди. Мамлакат соғлиғини сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра парранда гриппи вирусини юқтирганларнинг аксариятини болалар ва 30 ёшгача бўлган аёллар ташкил қилади.
- Россия Федерацияси маъмурияти 10 февралдан эътиборан Америка гўшт маҳсулотлари импортига тақиқлов жорий этди. Тақиқлов асосан гўшт импорти билан шуғулланувчи АҚШнинг 10 та гўшт комбинатига нисбатан қўлланилмоқда. Бунга сабаб, ушбу комбинатлар Россиянинг ветеринарияга оид қонунларига риоя этмай, тартибқоидаларни қўпол равишда бузмоқда.

Бобуршоҳ шуурида тажалли бераётган турк сўзининг сўнасма кудратни аксатган эди. У Нух а.с.нинг набири Абуттурк ибни Ефаснинг башоратига амал қилиб, турк сўзининг хоржида барқарор бўлишига эришди. Хазрат Навоий яратган туркий шеърят боғини бўстон қилди, улуг пири адабнинг "Ва Ефас ўллонники, Абут-туркдор, тарих ахли иттифоқи била деб-дурларки, нубувват тожи била сарафроз ва рисола мансаби била қардошларидан мумтоз бўлди" вассиятига амал қилиб, турк сўзини нафақат Туркистон, балки Хинду Форсда ҳам жорий қилди. Ҳазрат Навоий барча асарларини Хазрат Навоий нашъу намо топган туркчанинг Андидон шевасида битди. Мана шу тилда яратилган жаҳоний "Бобурнома" асарига юзга яқин сўфийлар ҳақида сўз юритди. Жумладан, Абдуллоҳ валий, Баёншаҳ, Бобошайх, Вайсшайх, Имом Абу Ханифа, Исҳоқ ота, Шайх Хусайн, Маҳдий Хожа, Мусо Хожа, Муҳаммад Хожгай, Низомиддин Али Ханифа, Пир Вайс, Сайид Бадр ота, Сайид Барака, Узун Хасан ота, Хожа Абдуллоҳ Марварид, Хожа Гапон, Хожа Камолддин Хусайн Газургоҳий, Шайх Абдуллоҳид Форигий, Шайх Абу Мансур Муртуридий, Шайх Боязид Фармулий, Шайх Жамолӣ, Шох Сўфий, Хазрати Мавлоно Яқубшайх, Хазрати Хожа Убайдуллоҳ Ахрор, Хасан Халифа каби мутасаввифлар ҳақида маълумотлар берди, уларнинг теурийлар давлатига ва теурийзодаларга муносабатини аниқлади. Хатто бошқа теурийзодалар ҳақида ёзганда ҳам уларнинг тасавуфга алоқадорлигини кўрсатиб ўтади: "Султон Аҳмадмирзо... ханафий мазҳаблик, покиза эътиқод киши эди, беш вақт намазни бетарқ ўтар эди. Шурб маҳалларида ҳам намази тарқ бўлмас эди. Хазрати Хожа Убайдуллоҳга иродати бор эди. Хазрати Хожа муроббий ва муқаввий эдилар".

Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. Бирок у Қуръони карим измига амал қилди, ўзининг ҳар қадамда буюк мураббий Расулulloҳ (с.а.в.) шахсиятида яққол сезилмоқда. Фахри Хиравийнинг "Равза" асаридида Хон мирзо "доимо жазбада бўлади ва фақат дуо пайтида ўзига келади", — деб ёзилган. Ушбу шояхидлар Бобуршоҳ қайдларининг илботидир.

Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. Бирок у Қуръони карим измига амал қилди, ўзининг ҳар қадамда буюк мураббий Расулulloҳ (с.а.в.) шахсиятида яққол сезилмоқда. Фахри Хиравийнинг "Равза" асаридида Хон мирзо "доимо жазбада бўлади ва фақат дуо пайтида ўзига келади", — деб ёзилган. Ушбу шояхидлар Бобуршоҳ қайдларининг илботидир.

Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. Бирок у Қуръони карим измига амал қилди, ўзининг ҳар қадамда буюк мураббий Расулulloҳ (с.а.в.) шахсиятида яққол сезилмоқда. Фахри Хиравийнинг "Равза" асаридида Хон мирзо "доимо жазбада бўлади ва фақат дуо пайтида ўзига келади", — деб ёзилган. Ушбу шояхидлар Бобуршоҳ қайдларининг илботидир.

Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. Бирок у Қуръони карим измига амал қилди, ўзининг ҳар қадамда буюк мураббий Расулulloҳ (с.а.в.) шахсиятида яққол сезилмоқда. Фахри Хиравийнинг "Равза" асаридида Хон мирзо "доимо жазбада бўлади ва фақат дуо пайтида ўзига келади", — деб ёзилган. Ушбу шояхидлар Бобуршоҳ қайдларининг илботидир.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).
«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги замон юқори технологияларига эга бўлган корхоналарни ташкил этиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.
Ҳужжат муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларини эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ҳақида уларнинг фаолият кўрсатиши тажрибасига мувофиқлаштириш, уларни тезкор бошқаришни уйғунлаштириш зарурлигига асосланади. Кириштирилган тўзатишлар эркин зоналар барпо этиш тартибига, қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш механизмига, тегишли ҳудудда амалга оширилаётган фаолият турларига, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартибига дахлдордир.
Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни тақомиллаштириш мақсадида киритилган тақлифларни ҳисобга олиб, ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида аҳборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонларварлик ёрдами ҳақида техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг, шу жумладан, номоддий соҳадаги ёрдамнинг барча турларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олишни таъминлашга қаратилган.
Муҳокама вақтида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 526 йиллигига



ШЕЪРИЯТ БОҒИНИ БЎСТОН ҚИЛДИ

БОБУРШОҲ МУТАСАВВИФ ЭМАС ЭДИ. УНИНГ ТОМИРИДА ОҚАЁТГАН ТЕУРИЙ ҚОН ШАВКАТИ НУРАБ БОРАЁТГАН АМИРЗОДАЛАР САЛТАНАТИНИ ТИКЛАШГА УНДАДИ. БУЮК СОҲИБҚИРОН ОЛДИДАГИ ТЕУРИЙ АВЛОДЛАР ШАЪНИНИ ТИКЛАШ ЮМУШИ УНИНГ ЗИММАСИГА ТУШДИ. БЎЛГУСИ ҲАЖОНҒИР АМИР ТЕУРИЙНИНГ ТЎНҒИЧ ВАЛИЙ НЕЪМАТИ МИРОНШОҲ МИРЗОНИНГ ХОНАДОНИДА ТАРБИЯЛАНГАН ЭДИ. ЗЕРО, УНИНГ ҚУЛОҒИГА БАРЧА ТЕУРИЙ СУЛТОНЛАРИНИНГ ПИРИ ВАЛИЙСИ ҲИСОБЛАНГАН ШАЙХ ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ ҲАЗРАТЛАРИ АЗОНИ БАРОБАРИДА СЎФИЙЛИКНИНГ БУЮК ИБТИДОСИ СИНТГАН ЭДИ.

нинг йўл ва шомойилларини ўзига дастуруламал билди. Исломининг беш арқони (устуни) шориқи сифатида "Мубаййин" исми китоб мураттаб этиб, ўз авлодларига, нафақат бобурий, балки барча туркий валадларнинг зиммасида турган беш арқони мубини ислом учун адабий манба берди. Асарнинг бошланғичи "Эътиқодий"да Ҳақ субхонаҳунинг субутий сифатлари барҳаётлик, илм, иродат, қудрат, самъ ва басар (кўриш ва эшитиш), камол ва тақдири азал қабиларга ишорат қилинади. Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шомойиллари ва қароматлари, саҳобаларнинг ғайратлари, охират кўни, номъанъамол, мезон, аросат, мавоқий,

Тонглалик кундаким, хисоб ўлгай, Менга ажру сенга савоб ўлгай.

Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. У Фозий Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг эътиқодли вориси сифатида от устида ўтаётган умрини жиҳодга бурди, мулки Хинди мусулмон қилиб, бу улуг ниётага эриша олмаган турк султони Маҳмуд Газнавий руҳини шод қилди: "Панипатдаги фатҳдин сўнгра "туғро"да "ғозий" битилди. Фатҳномада туғронинг остида бу рубойини битди:

Юз ҳамд ангаким, ҳамдин анинг али малол, Юз йил десалар тугатмак амри малол, Васфиди хирад ожиз эрур, нотика лол, Не навъ сифат айлай они жалла жалол.

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ мутасаввиф эмас эди. Бирок унинг асарлари тасавуфий адабиётнинг ботини тасавви ва зоҳирий ғўзалликларидан тўйинган, ўзиди Ҳақ таъоло ҳамдидан тортиб Яратганга қулликни бўйнига олган ("Шаҳмен элга вале сенга қулдурмен") мардона шеърини саҳифалари эди.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори

МИЛЛАТ ҚАЛБИДА БАРҲАЁТ СИЙМО



ЖАҲОНГА МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ, БУЮК САРКАРДА, ОЛИМ, ШОИР ВА АДИБ ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН ТАРИХИЙ ВА БАДИИЙ МЕРОСИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ҒОЯТ ҚИММАТЛИ ВА ҚАДРЛИДИР.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятини ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир бўлиш билан бирга ўз замонасининг истеъдодли давлат арбоби, тadbиркор саркардаси ҳамдир. Хиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиниши унинг саркардалиқ салоҳиятидан дарак берса, ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари эса, унга жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олиш имконини яратди. Бобур қаламига мансуб «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Харб иши», аруз вази ҳақидаги рисолалар ислом, шеърят ва тил назарияси соҳаларининг ривожланишига муносиб хисса бўлиб қўшилди. Бу йил буюк алломаларимиз Алишер Навоий таваллудига 526 йил, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 526 йил тўлди. Шу муносабат билан Теурийлар тарихи Давлат музейи ва Тошкент педагогика коллежи ҳамкорлиқда «Миллат қалбида мангу барҳаёт сиймолар» мавзuida маданий-маърифий тadbир ўтказилди.

МИЛЛИЙ АРМИЯ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Миллий армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар натижасида Куролли Кучларни ташкил этиш ва бошқаришни мутлақо янги тизими шаклланди. Бугунги кунда Куролли кучлар сафиди муқаддас заминдаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғиди асрайдиган энг муносиб йигитлар хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар армия шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳолалиб, халқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Марказий офицерлар уйда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Республикаси Куролли Кучларида мuddатли харбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юзасидан тизимда амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашинилди. Айтиш жоизки, жорий йилдан бошлаб мuddатли харбий хизматга «қакрув бир йилда бир марта» — февраль-март ойларида ўтказилади. Харбий хизматга жўнаш олдидан ёшларимиз "Ватанпарвар" ташкилотининг тех-

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

РОССИЯНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДАН ХУШҲАБАР КЕЛДИ: ЁН БЕШ МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР МУСИҚА ФЕСТИВАЛЬ-КОНКУРСИДА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ЎҚУВЧИЛАРИ — МУХТОР МУҲАММАДАЛИЕВ БИРИНЧИ, ДИЛНОЗА ТЎРАЕВА ЭСА УЧИНЧИ ЎРИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, йигит-қизларни миллий қадриятлар ва юксак инсонпарварлик анъаналари асосида тарбиялаш масаласи Президентимиз Имом Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада яратилган қулайликлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз жамиятимизнинг бошқа жабҳалари қатори маданият ва санъат соҳасида ҳам юксак натижаларга эришмоқдалар. Биргина Республикаси Иختисослашган мусиқа академик лицейидан ўтган йили кирк олти нафар ўғил-қиз миллий ва халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритгани бунинг далилидир.

ижодий маҳоратини босқичма-босқич ошириб боришда яхши самаралар бераётди.

— Ёшларимизнинг бундай ютуқлари замирида давлатимиз раҳбарининг навиқирон авлод камолотига қаратаётган алоҳида эътибори, халқимизнинг санъат ва маданиятга бўлган юксак муҳаббати, юртимизда фаровон келажакни қўзлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган самаралар муҳассам, — дейди Республикаси Иختисослашган мусиқа академик лицейи директори Б.Қурбанов. — Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда ўқувчиларга мусиқий таълим беришнинг мукамал тизими шаклланди. Дунёнинг бирор мамлакатига қиёси бўлмаган бундай тизим иқтидорли ёшларни ўз вақтида аниқлаш, уларга жаҳон андозалари ва халқимизнинг миллий анъаналари асосида пухта билим бериш,

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ЎЗАРО ЭЛЕКТРОН ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ХИЗМАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОН ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ БОЗОРИГА ҚЎШИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, бу хизмат тури бутунжаҳон почта уюшмасининг халқаро молия тизими орқали амалга оширилади. Эндликда Россияга жўнатилган пул ўтказмалари анча тез етиб боради. Бу «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Россия почтаси» ўртасида тузилган электрон пул ўтказмалари алмашинуви тўғрисида имзоланган битим натижасидир.

Энди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пулни миллий валютага юбориш ва қабул қилиб олиш мумкин. Электрон пул ўтказмалари Россия Федерациясида Россия рублида тўланади.

Ўзбекистон Республикасидан миллий валютада юбориладиган электрон пул ўтказмаси миқдори «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг Пул ўтказмалари назорати марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган Россия рублини сотиш курси бўйича рублда қайта ҳисобланади. Бу жараён Бутунжаҳон почта уюшмасининг Халқаро молия тизими маълумот юбориш йўли билан амалга оширилади. Ушбу хизмат тури «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти почта алоқасининг барча туман бўлиналарида кўрсатилади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).
— Туркменистон Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни катта эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб келади, — деди Н.Атагулиев. — Ўзбекистон бошқа соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам улкан ютуқларга эришаётгани диққатга сазовор. Мақсадимиз — мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили 132,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 38 фоиздан кўпроқ, демакдир. Мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликнинг қамрови кенг. 2008 йили Ўзбекистонга қарашли автомобиль транспортда Туркменистон ҳудуди орқали олиб ўтилган юклар ҳажми йигирма икки минг тоннадан ошди. Туркменистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиладиган юкларига оид кўрсаткич ҳам шунга яқин.

Гуманитар соҳадаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказиладиган фестивалъ ҳақида кўрсаткичларда, йирик конференция ва семинарларда мунтазам қатнашиб келади.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди. Савдо, ёқилғи-энергетика мажмуи, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Туркменистон компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

